

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**12-сон**  
**(356)**  
**2009 йил**  
**18 март**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

128. «Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегараси тўғрисидаги Шартномани (Душанбе, 2002 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 18 мартдаги ЎРҚ–200-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

129. «Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 мартдаги ПҚ–1073-сон қарори

*Учинчи бўлим*

130. «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги 68-сон қарори
131. «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 16 мартдаги 70-сон қарори
132. «Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 мартдаги 74-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

133. «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси хузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 мартдаги 68-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1920*)
134. «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг худудий бошқармалари хузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 мартдаги 69-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921*)
135. «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва уни ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 23 февралдаги 8-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1922*)
136. «Юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 17 февралдаги 8/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1923*)

137. «Авиация ишларига мансуб хизматлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2009 йил 12 февралдаги 13-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1924*)
138. «Пахта тозалаш ва каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 мартдаги 10/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1925*)
139. «Нашриёт, матбаа ва китоб савдоси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 мартдаги 9/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1926*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 14 мартдан 18 мартгача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

**128** Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегараси тўғрисидаги Шартномани (Душанбе, 2002 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан  
2009 йил 11 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 16 мартда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегараси тўғрисидаги Шартнома (Душанбе, 2002 йил 5 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 18 март,  
ЎРҚ-200-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **129 Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, шу асосда иқтисодийнинг тезкор ривожланишини ҳамда республика минтақаларининг табиий ва иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани шакллантириш, шунингдек янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг даромадлари ҳамда турмуш даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2009 йилда қўшимча инфратузилма объектларини қуриш ва ишга туширишни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар Дастури маъқуллансин. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

Кризисга қарши дастурга киритилган, 2009 йилда ишга тушириладиган қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари рўйхати 1, 1а, 1б ва 2-иловаларга\* мувофиқ;

2009 йилда Кризисга қарши дастурга киритилган инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари 3-иловага\* мувофиқ.

Лойиҳаларнинг буюртмачилари — вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2009 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда 1, 1а, 1б ва 2-иловаларга киритилган лойиҳалар бўйича белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ва экспертизаси якунланишини, танлов савдолари ўтказилиши ва молиялашнинг очилишини таъминласин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектла-

---

\* 1 — 3-иловалар берилмайди.

рини куриш ҳамда ишга тушириш лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирларининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этаётган вазирликлар, идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар ва корхоналар раҳбарлари зиммасига 1 ва 2-иловаларда кўрсатилган қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини белгиланган муддатларда куриш ҳамда ишга туширишни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатларга биноан 4-иловада\* кўрсатилган телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларини модернизациялаш ҳамда ривожлантириш лойиҳалари доирасида импорт қилинадиган ускуналар, дастурий аппарат воситалари ва материаллар 2010 йилнинг 1 январигача божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси 2009 йилда қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари курилиши ҳамда ишга туширилишини жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар Дастурининг амалга оширилиши тўғрисида вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ҳисоботларини ҳар ой Президиум мажлисларида кўриб чиққан ҳолда унинг қатъий назоратга олинишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 17 март,  
ПҚ-1073-сон

---

\* 4-илова рус тилидаги матнда берилган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **130** Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июлдаги ПҚ–120-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг қарорлари билан иловага\* мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳар посёлкалари тоифасига киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли пунктлари тоифаларининг ўзгартирилиши билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласинлар;

шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган аҳоли пунктларига нисбатан қўйиладиган шаҳарсозлик талабларига риоя этилишини таъминласинлар ва муҳандислик, транспорт ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни оқилона жойлаштириш масалаларини ҳал этиш бўйича тадбирларни икки ой муддатда белгиласинлар;

шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган аҳоли пунктлари номларини «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси талабларига мувофиқлаштириш бўйича бир ой муддатда чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ушбу қарорга мувофиқ, иловага киритилган қишлоқлар ва шаҳарлар аҳоли пунктларининг

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

статистик кўрсаткичларига икки ҳафта муддатда, белгиланган тартибда зарур ўзгартиришлар киритсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда, қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар посёлкалари тоифасига киритилиши муносабати билан, врачлар, провизорлар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларига иш ҳақи тайинлашда ҳамда улар пенсияга чиққанида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июлдаги ПҚ-120-сон қарорининг 5-бандида назарда тутилган имтиёзларнинг қўлланишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 13 март,  
68-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**131 Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Тармоқда назорат, ҳисобга олиш ва бошқаришни мақбуллаштириш асосида қоғоз чиқиндиларини тайёрлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, реал сектор корхоналарининг, кичик ва хусусий бизнес субъектларининг иккиламчи қоғозга бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун иккиламчи хом ашёдан саноат йўли билан фойдаланишнинг самарали механизмларини жорий этиш, шунингдек тармоқ корхоналарининг, шу жумладан «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбек қоғози» ОАЖнинг мавжуд қувватларидан фойдаланишни кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбек қоғози» ОАЖнинг келгусида қайта ишлаш учун жойларда тўпланган иккиламчи хом ашё- қоғоз чиқиндиларини қабул қилиш пунктлари ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси фойдаланилмаётган турар жой бўлмаган биноларни қоғоз чиқиндиларини қабул қилиш пунктлари ташкил этиш учун «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбек қоғози» ОАЖга белгиланган тартибда берсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш масалалари бўйича Республика комиссияси иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш масалалари бўйича Республика комиссияси:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбек қоғози» ОАЖнинг қоғоз чиқиндиларини тайёрлаш ва қабул қилиш пунктларига топшириш бўйича 2009 йилнинг II — IV чораклари ва кейинчалик ҳар йил учун прогноз кўрсаткичларни ўн кун муддатда белгиласин;

қоғоз чиқиндиларини тўплаш ва тайёрлаш бўйича тасдиқланган прогноз кўрсаткичларнинг бажарилиши ҳар ойда назорат қилиб борилишини таъминласин;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимларини қоғоз чиқиндилари тайёрлаш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларни бажар-

\* Илова берилмайди.

ганлик ва ошириб бажарганлик учун рағбатлантириш тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасдиқланган прогноз кўрсаткичларга мувофиқ қоғоз чиқиндиларини тўплаш ва топширишни белгиланган тартибда амалга оширсинлар.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбек қоғози» ОАЖ қабул қилиш пунктлари қоғоз чиқиндиларини тайёрлаш ва топшириш бўйича ҳисоб-китобларни эркин нархларда, шу жумладан уларни жисмоний шахслардан қабул қилиб олишда — нақд пул билан ва юридик шахслардан қабул қилиб олишда — нақд пулсиз амалга оширадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ, «Ўзбек қоғози» ОАЖ ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

қоғоз чиқиндиларини тўплаш ва топширишнинг ташкил этилиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари жавоб берадилар;

бюджет ташкилотлари бўйича қоғоз чиқиндиларини сотишдан олинган маблағлар уларнинг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига ўтказилади ва улардан ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда фойдаланилади.

7. Республика тижорат банкларига тармоқ қайта ишлаш корхоналарига, шу жумладан технологик асбоб-ускуналарни модернизациялаш учун, кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Р. Шоисматов ва Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 16 март,  
70-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**132** Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини моддий-хом ашё ресурслари билан таъминлаш ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни биржа орқали сотиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 50-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 18 март,  
74-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 18 мартдаги 74-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«кўргазма-ярмарка савдолари — биржаларнинг ихтисослаштирилган савдо майдончаларида улар томонидан тасдиқланадиган қоидаларига мувофиқ товарлар олдиндан мажбурий кўздан кечирилиши ҳисобга олинган ҳолда ёки мижозлар — жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиладиган кўргазма-ярмарка савдоларининг электрон тизимига Интернет орқали тўғридан-тўғри кириш режимида амалга оширилади».

2. 3-бандда:

а) иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«кўргазма-ярмарка савдолари электрон тизимига Интернет орқали тўғридан-тўғри кириш режимида ва савдо майдончаларида, шу жумладан ихтисослаштирилган қурилиш материаллари бозорлари ҳудудларида улгуржи савдо қилиш ҳуқуқи фақат товар-хом ашё биржалари аъзоларига, уларда савдони амалга ошириш ҳуқуқига тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда берилади».

б) қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«жисмоний шахслар, шунингдек биржа аъзолари бўлмаган юридик шахслар кўргазма-ярмарка савдоларида брокерлар орқали ёки биржа томонидан тасдиқланадиган қоидаларга мувофиқ мустақил равишда иштирок этиши мумкин».

3. 4-бандга қўйидаги мазмундаги бешинчи — еттинчи хатбоши қўшилсин:

«ишлаб чиқарувчиларга ва биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маҳсулотларни сотиш, шунингдек битимлар бўйича электрон ҳисоб-китобларни электрон тўлов тизими орқали амалга ошириш имконини берадиган Интернет орқали савдо тизимига тўғридан-тўғри кириш режимида кўргазма-ярмарка савдоларида иштирок этиш имкониятини таъминлаш;

биржа аъзоларига ихтисослаштирилган савдо майдончалари орқали биржа савдолари тизимига кириш, савдолар натижаларига кўра тузилган битимларни рўйхатдан ўтказиш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар бўйича электрон ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини бериш;

биржа аъзоларига кўргазма-ярмарка савдолари тизимига Интернет орқали тўғридан-тўғри кириш режимида белгиланган тартибда биржа савдоларига кириш имконини назарда тутиш тавсия этилсин».

4. 5-бандга қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«кўргазма-ярмарка савдоларида биржа орқали сотиш тақиқланмаган ва сотишга махсус тартиб жорий қилинмаган товарларнинг барча турлари (ишлар, хизматлар) сотилиши мумкин».

5. 8-бандга қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Белгилансинки, «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» акциядорлик жамиятининг биржа битимларидан ундириладиган воситачилик йиғимлари чекланган миқдорларига декларация тўлдиришда, биржа товарларининг моддий балансларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш юзасидан мониторингни амалга оширадиган Иқтисодиёт вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказиладиган «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» акциядорлик жамиятининг юқори ликвидли товарлар турларини сотиш бўйича хизматлари учун 0,075% миқдоридаги воситачилик йиғимлари ҳисобга олинади»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

6. 9-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:


«Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг ходимларнинг чек-

ланган умумий сони 100 нафар бўлган ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзбекистон республика товар-хон биржаси» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси биржанинг ташкилий тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинсин».

7. Қарорга 1-илова матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

## «Ўзбекистон республика товар-ҳом ашё биржаси» очиқ акциядорлик жамиятининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



»

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ****133 Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1920*

*(2009 йил 24 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1997 й., 2-сон, 48-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ҳамда Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (Д. Якубова) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Ушбу буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклатилсин.

**Адлия вазири**

**Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 14 март,  
68-мх-сон

Адлия вазирининг  
2009 йил 14 мартдаги 68-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси  
хузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 48-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси хузуридаги Олий малака комиссияси (бундан кейинги ўринларда Олий малака комиссияси деб юритилади) ваколатларини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Олий малака комиссияси:

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари хузуридаги малака комиссияларининг қарорлари устидан келтирилган шикоятларни (бундан кейинги ўринларда шикоятлар деб юритилади) кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари хузуридаги малака комиссияларининг (бундан кейинги ўринларда малака комиссиялари деб юритилади) иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

2. Олий малака комиссияси Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси (бундан кейинги ўринларда Адвокатлар палатаси деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (бундан кейинги ўринларда Адлия вазирлиги деб юритилади) қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда Адлия вазирлиги ходимларидан тенг миқдорда тузилади.

3. Олий малака комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари хузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси қарорларига ва мазкур Низомга амал қилади.

4. Олий малака комиссияси масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилишда Адвокатлар палатаси ва Адлия вазирлиги, бошқа ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролардан мустақилдир.

5. Олий малака комиссиясининг моддий-техника ва молиявий таъминоти Адвокатлар палатаси томонидан амалга оширилади.

## **II. Олий малака комиссиясининг ваколатлари**

6. Олий малака комиссияси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун:

талабгорлар, адвокатлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилади;

зарур бўлганда, манфаатдор шахслар ва тегишли ташкилотлардан қўшимча ҳужжатларни сўраб олади;

шикоятларни кўриб чиқиш вақтида тегишли малака комиссияларидан зарур ҳужжатларни талаб қилиб олади;

мазкур Низомда назарда тутилган ҳолларда, талабгорлардан малака имтиҳонлари қабул қилади ва уларни топшириш натижалари бўйича қарорлар қабул қилади;

қарор қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган янги очилган ҳолатларни ўрганеди;

Адвокатлар палатасига малака комиссиялари иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил этиш билан уларнинг фаолиятини ўрганиш тўғрисида муурожаат қилади ҳамда умумлаштириш ва таҳлил натижалари бўйича қарорлар қабул қилади.

Олий малака комиссиясининг мазкур Низомга мувофиқ қабул қилган қарорлари малака комиссиялари томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

7. Олий малака комиссияси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда:

Олий малака комиссиясига кўриб чиқиши учун киритилган масалаларни ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга;

қонун ҳужжатларига, адвокатлик фаолиятининг асосий принципларига катъий риоя этишга;

адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва ҳимоясини, адвокатнинг дахлсизлигини, адвокатнинг фаолиятига аралашмасликни таъминлашга мажбурдир.

## **III. Олий малака комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш**

8. Олий малака комиссиясининг таркиби Адвокатлар палатаси ва Адлия вазирлигининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда Адлия вазирлиги ходимларидан тенг миқдорда жами 10 кишидан, шу жумладан Олий малака комиссиясининг ҳамраислари ва аъзолари уч йил муддатга тасдиқланади.

Олий малака комиссиясининг ҳамраислари Олий малака комиссияси таркибига киритилган адвокатлар ва Адлия вазирлиги ходимларидан белгиланади ҳамда улар Олий малака комиссиясининг мажлисларида навбат билан

раислик қиладилар, Олий малака комиссиясининг мажлисида раислик қилиши лозим бўлган ҳамраиснинг узрли сабабларга кўра ҳозир бўлмаганлик ҳоллари бундан мустасно.

Олий малака комиссияси аъзолигига адвокатларнинг номзодлари адвокатлик фаолияти бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган адвокатлар орасидан тақдим этилади. Адвокат сурункасига икки муддат Олий малака комиссиясининг аъзоси бўлишга ҳақли эмас.

9. Олий малака комиссиясининг аъзоси бўлган адвокатга нисбатан интизомий иш юритиш кўриб чиқилиши ёки Олий малака комиссияси аъзоси бўлган Адлия вазирлиги ходимининг малака имтиҳонини топшириши натижалари бўйича шикоят кўриб чиқилган ҳолларда, улар Олий малака комиссияси мажлисида қатнашишга ҳақли эмас.

Олий малака комиссиясининг мажлиси, агар унда Олий малака комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса, комиссия ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Кворум бўлмаган ҳолда, Олий малака комиссиясининг мажлисига ҳозир бўлган аъзолари томонидан мажлисни кейинга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинади, мажлис ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида қўшимча равишда хабар қилинади.

10. Олий малака комиссиясининг мажлислари заруратга қараб, лекин уч ойда камида бир марта ўтказилади. Адвокатлар палатаси Олий малака комиссиясининг ҳамраислари билан келишган ҳолда Олий малака комиссияси мажлиси ўтказилишидан камида ўн кун олдин мажлисининг кун тартиби, санаси, вақти ва жойини белгилайди.

11. Олий малака комиссияси қарорлари унинг мажлисида қатнашаётган Олий малака комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Олий малака комиссиясининг қарорлари улар қайси мажлисда қабул қилинган бўлса, ўша мажлисда раислик қилувчи томонидан эълон қилинади.

12. Олий малака комиссиясининг ишини юритиш Адвокатлар палатаси раиси томонидан тайинланадиган Олий малака комиссиясининг масъул котиби (бундан кейинги ўринларда масъул котиб деб юритилади) зиммасига юклатилади. Масъул котиб Олий малака комиссиясининг ва малака комиссияларининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Масъул котиб:

шикоятларни қабул қилади;

Олий малака комиссиясининг мажлисида кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлашни амалга оширади ва уларнинг сақланишини таъминлайди;

Олий малака комиссияси аъзоларини, шунингдек, шикоят берган шахсларни ва бошқа манфаатдор шахсларни Олий малака комиссиясининг мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида хабардор қилади;

Олий малака комиссияси аъзолари ва манфаатдор шахсларнинг мажлисда

ҳозир бўлганлигини текширади, ҳозир бўлмаганлик сабабларини аниқлайди ва бу ҳақда Олий малака комиссиясига ахборот беради;

Олий малака комиссияси мажлисларининг баённомаларини юритади; раислик қилувчининг Олий малака комиссияси мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа топшириқларини бажаради, шунингдек, мазкур Низомга мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

13. Адвокатлар палатасига шикоятни бевосита юбориш йўли билан Олий малака комиссиясига берилган шикоят келиб тушган кундан бошлаб уч кун мобайнида, Адвокатлар палатаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасидан шикоят билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва материалларни талаб қилади.

14. Олий малака комиссиясининг мажлисларида баённома юритилади, у мажлисда қатнашган Олий малака комиссиясининг барча аъзолари, шунингдек, масъул котиб томонидан имзоланади. Олий малака комиссиясининг қароридан рози бўлмаган Олий малака комиссиясининг аъзоси комиссия мажлисининг баённомасига киритиладиган ўзининг нуқтаи назарини ёзма шаклда баён этишга ҳақли.

15. Олий малака комиссияси мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларга қараб, баённомада:

Олий малака комиссияси мажлиси ўтказиладиган сана ва жой;

Олий малака комиссиясининг мажлисида қатнашган Олий малака комиссияси аъзоларининг рўйхати;

Олий малака комиссияси мажлисининг кун тартиби;

малака комиссиясининг қарори устидан келтирилган шикоят;

талабгорлар тўғрисидаги ахборот;

мазкур Низомда назарда тутилган ҳолатларда, Олий малака комиссияси томонидан талабгордан қабул қилинган малака имтиҳони тўғрисидаги зарур маълумотлар;

шикоятда баён этилган важлар, Олий малака комиссияси аъзоларининг, манфаатдор шахсларнинг сўзга чиқишлари ҳамда тегишли ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг асосий мазмуни;

Олий малака комиссияси аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар;

шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича овоз бериш яқунлари;

Олий малака комиссияси мажлисининг кун тартибига киритилган ҳар бир масала бўйича қарорлар;

Олий малака комиссияси қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби;

қарор қабул қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар акс эттирилади.

16. Олий малака комиссияси мажлиси баённомасининг нусхалари бир ҳафталик муддатда Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаларига юборилади.

17. Олий малака комиссияси мажлисининг баённомасидан кўчирма қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай масъул котиб имзоси билан манфаатдор шахсларга юборилади ёки тилхат олинган ҳолда

топширилади. Олий малака комиссияси мажлисининг баённомасидан кўчирмалар Адвокатлар палатасининг мухри билан тасдиқланади.

Олий малака комиссияси мажлиси баённомасидан кўчирмаларда Олий малака комиссиясининг мажлиси ўтказилган сана ва жой тўғрисидаги маълумотлар, Олий малака комиссияси мажлисининг кун тартибига киритилган қисмидаги, тегишли манфаатдор шахсларга тааллуқли бўлган масала бўйича қарор ва ушбу қарор устидан шикоят қилиш тартиби баён этилади.

#### IV. Шикоятларни кўриб чиқиш

18. Малака комиссиялари қарорларининг устидан келтирилган шикоятлар манфаатдор шахслар томонидан комиссия мажлисининг баённомасидан кўчирма олинган кундан эътиборан Олий малака комиссиясига бир ой ичида берилиши мумкин.

Кўрсатилган муддатнинг ўтказиб юборилганлиги шикоятни қабул қилиш ва кўриб чиқишни рад этиш учун асос бўлмайди. Олий малака комиссияси муддат ўтказиб юборилганлиги сабабларини узрли деб топиб, ана шу муддатни тиклаши ва шикоятни мазмунан кўриб чиқиши мумкин.

19. Шикоят ўз ичига шикоят берган манфаатдор шахснинг важлари, унинг фикрича, малака комиссияси қарорининг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ва унинг илтимоси мазмунини олиши керак.

20. Шикоят Олий малака комиссияси томонидан у Адвокатлар палатасига келиб тушган кундан эътиборан кўпи билан бир ой ичида кўриб чиқиши керак.

21. Олий малака комиссиясининг аъзолари, шунингдек, шикоят келтирилган шахслар ва бошқа манфаатдор шахслар комиссия мажлиси ўтказиладиган санадан камида ўн кун олдин мажлис ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида хабардор қилинади.

22. Агар Олий малака комиссияси интизомий иш юритиш бўйича шикоятни кўриб чиқиш вақтида интизомий иш юритиш билан боғлиқ алоҳида масалаларни ўрганиш талаб этилади, деган хулосага келса, бундай ўрганишни ўтказиш вазифаси Олий малака комиссиясининг қарори билан ўз аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилиши мумкин.

23. Олий малака комиссияси фақат истисно ҳолатларда, шу жумладан тегишли малака комиссиясининг холислиги ва беғаразлигига асосли шубҳалар мавжуд бўлган ҳолларда малака имтиҳони қабул қилади.

Малака имтиҳони Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга мувофиқ, Олий малака комиссияси томонидан қабул қилинади.

24. Олий малака комиссияси шикоятни кўриб чиқиб, ўз қарори билан: малака комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад қилиш;

малака комиссиясининг қарорини ўзгартириш ва янги қарор қабул қилиш;

талабгор малака имтиҳони топшириши натижалари бўйича малака комиссиясининг қарорини бекор қилиш;

малака комиссияси қарорини бекор қилиш ва адвокатга нисбатан интизомий иш юритишни тугатиш;

шикоятни кўрмасдан қолдиришга ҳақли.

25. Олий малака комиссиясининг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш масалаларига дахлдор қарори у қабул қилинган кунда ёзма шаклда адвокатга гувоҳнома берган адлия органига тегишли қарор қабул қилиш учун етказилади.

26. Олий малака комиссияси томонидан малака комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисидаги қарор:

шикоят мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлмаган;

шикоятда баён этилган важлар тасдиқланмаган ҳолларда қабул қилинади.

27. Олий малака комиссияси томонидан малака комиссиясининг қарорини ўзгартириш тўғрисидаги қарор ва янги қарор:

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низом талаблари бузилган ҳолда, агар бундай қоидабузарлик малака комиссиясининг қарор қабул қилишига таъсир кўрсатган бўлса;

малака комиссияси томонидан асослантирилмаган қарор қабул қилинган ҳолларда қабул қилинади.

28. Олий малака комиссияси томонидан талабгор малака имтиҳони топшириши натижалари бўйича малака комиссиясининг қарорини бекор қилиш тўғрисидаги қарор:

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низом талаблари бузилган ҳолда, агар бундай қоидабузарлик малака комиссиясининг қарор қабул қилишига таъсир кўрсатган бўлса;

талабгор томонидан малака имтиҳонида берилган жавобларни баҳолашда малака комиссияси томонидан ҳолислик ва беғаразлик таъминланмаган ҳолларда қабул қилинади.

Олий малака комиссияси малака комиссиясининг талабгор томонидан малака имтиҳонини топшириши натижалари бўйича қарорини бекор қилиш билан бир вақтда ўз қарори билан талабгорни малака имтиҳонини такрорий топшириш учун тегишли малака комиссиясига юборади ёки мазкур Низомда назарда тутилган ҳолларда талабгордан малака имтиҳонини қабул қилади ва унинг малака имтиҳонини такрорий топшириши натижалари бўйича тегишли қарор чиқаради.

29. Олий малака комиссияси томонидан малака комиссиясининг қарорини бекор қилиш ва адвокатга нисбатан интизомий иш юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор:

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низом талаблари бузил-

ган ҳолда, агар бундай қоидабузарлик малака комиссиясининг қарор қабул қилишига таъсир кўрсатган бўлса;

малака комиссияси томонидан асослантирилмаган қарор қабул қилинган ҳолларда қабул қилинади.

30. Олий малака комиссияси томонидан шикоятни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги қарор:

Олий малака комиссиясига шикоят берган шахснинг шикоятни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги аризаси келиб тушса;

судда худди шу масала бўйича фуқаролик иши қўзғатилган ёки иш бўйича суднинг тегишли қарори қабул қилинган бўлса;

адвокат интизомий иш қўзғатилишига сабаб бўлган шикоятни берган шахс билан ярашувга эришган ҳолларда қабул қилинади.

#### **V. Малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш**

31. Адвокатлар палатаси малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш мақсадида уларнинг фаолиятини ўрганади. Бундай ўрганишга Олий малака комиссиясининг аъзолари ҳам жалб қилиниши мумкин.

32. Малака комиссияларининг фаолиятини ўрганиш яқунлари бўйича малака комиссияларининг иш амалиёти умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари, шунингдек, хулосалар ва тавсияларни ўз ичига олган тафсилотнома тузилади.

33. Малака комиссияларининг фаолиятига доир тафсилотнома Олий малака комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва унинг қарори билан тасдиқланади.

34. Олий малака комиссиясининг қарорига биноан тафсилотнома раҳбарлик ва ижро қилиш учун малака комиссияларига юборилади.

#### **VI. Яқуний қоидалар**

35. Олий малака комиссиясининг қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

36. Мазкур Низомни бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

37. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

*Адвокатлар палатасининг  
раиси*

**Т. САЙИДОВ**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 14 март*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**134** Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг  
худудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссия-  
лари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921*

*(2009 йил 24 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 13-мод-  
дасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1997 й.,  
2-сон, 48-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг худудий бош-  
қармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низом иловага му-  
вофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ўзбекис-  
тон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси  
(А. Инанбабаев) ҳамда Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (Д. Яку-  
бова) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаат-  
дор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжат-  
лари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да  
нашр этилишини таъминласин.

4. Ушбу буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун  
ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов  
зиммасига юклатилсин.

**Адлия вазири**

**Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 14 март,  
69-мҳ-сон

Адлия вазирининг  
2009 йил 14 мартдаги 69-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси  
худудий бошқармалари ҳузуридаги малака  
комиссиялари тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 48-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси худудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари (бундан кейинги ўринларда малака комиссиялари деб юритилади) ваколатларини ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

**1. Малака комиссиялари:**

адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахслардан (бундан кейинги ўринларда талабгор деб юритилади) малака имтиҳонини қабул қилиш;  
адвокат қасамёдини қабул қилиш;

адвокатлар томонидан қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилганлиги тўғрисидаги интизомий иш юритишни кўриб чиқиш учун тузилади.

2. Малака комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси худудий бошқармаларининг (бундан кейинги ўринларда худудий бошқармалар деб юритилади) ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг (бундан кейинги ўринларда адлия органлари деб юритилади) кўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларидан тенг миқдорда тузилади.

3. Малака комиссиялари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси қарорларига ва мазкур Низомга амал қилади.

4. Малака комиссиялари масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилишда худудий бошқармалар ва адлия органлари, уларнинг юқори турувчи тузилмалари, бошқа ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролардан мустақилдир.

5. Малака комиссияларининг моддий-техника ва молиявий таъминоти худудий бошқармалар томонидан амалга оширилади.

## II. Малака комиссияларининг ваколатлари

6. Малака комиссиялари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун:

талабгорлар, адвокатлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

зарур бўлганда, манфаатдор шахслар ва тегишли ташкилотлардан қўшимча ҳужжатларни сўраб олади;

талабгорлар томонидан малака имтиҳонлари топширилиши натижалари бўйича қарорлар қабул қилади;

талабгорлар томонидан адвокат қасамёди қабул қилиниши натижалари бўйича қарорлар қабул қилади;

адвокатларга нисбатан интизомий иш юритишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорлар қабул қилади.

7. Малака комиссиялари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришда:

малака комиссияси кўриб чиқиши учун киритилган масалаларни ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга;

конун ҳужжатларига, адвокатлик фаолиятининг асосий принципларига катъий риоя этишга;

адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва ҳимоясини, адвокатнинг дахлсизлигини, адвокатнинг фаолиятига аралашмасликни таъминлашга;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг (бундан кейинги ўринларда Олий малака комиссияси деб юритилади) қарорларини ижро этишга мажбурдир.

## III. Малака комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш

8. Малака комиссияларининг таркиби ҳудудий бошқармалар ва адлия органлари раҳбарларининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларидан тенг миқдорда 8 — 10 кишидан, шу жумладан малака комиссияларининг ҳамраислари ва аъзолари уч йил муддатга тасдиқланади.

Малака комиссияларининг ҳамраислари малака комиссиялари таркибига киритилган адвокатлар ва адлия органлари ходимлари орасидан белгиладилар ҳамда малака комиссияларининг мажлисларида навбат билан раислик қиладилар, малака комиссиясининг мажлисида раислик қилиши лозим бўлган ҳамраиснинг узрли сабабларга кўра ҳозир бўлмаганлик ҳоллари бундан мустасно.

9. Бир шахс бир вақтнинг ўзида малака комиссиясининг ва Олий малака комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Малака комиссиялари аъзолигига адвокатлардан номзодлар адвокатларнинг тегишли давлат реестрига киритилган ва адвокатлик фаолияти бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган адвокатлар орасидан тақдим эти-

лади. Адвокат сурункасига икки муддат малака комиссиясининг аъзоси бўлишга ҳақли эмас.

10. Малака комиссиясининг аъзоси бўлган адвокатга нисбатан интизомий иш юритиш кўриб чиқилиши ёки малака комиссияси аъзоси бўлган адлия органлари ходимидан малака имтиҳони ва адвокат қасамёди қабул қилинаётганда улар малака комиссияси мажлисида қатнашишга ҳақли эмас.

Малака комиссиясининг мажлиси, агар унда малака комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса, комиссия ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Кворум бўлмаган ҳолда малака комиссиясининг мажлисида ҳозир бўлган аъзолари томонидан мажлисни кейинга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинади, мажлис ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида қўшимча равишда хабар қилинади.

Олий малака комиссиясининг қарорига биноан малака комиссияларининг мажлисларида Олий малака комиссиясининг аъзолари кузатувчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

11. Малака комиссиясининг мажлислари заруратга қараб, лекин уч ойда камида бир марта ўтказилади. Худудий бошқармалар малака комиссиясининг ҳамраислари билан келишган ҳолда комиссия мажлиси ўтказилишидан камида ўн кун олдин мажлисининг кун тартиби, санаси, вақти ва жойини белгилайди.

12. Малака комиссиясининг қарорлари унинг мажлисида қатнашаётган малака комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан, очик овоз бериш орқали манфаатдор шахслар иштирокисиз қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Малака комиссиясининг қарорлари улар қайси мажлисида қабул қилинган бўлса, ўша мажлисида раислик қилувчи томонидан эълон қилинади.

13. Малака комиссиясининг ишини юритиш худудий бошқарма раҳбари томонидан тайинланадиган малака комиссиясининг масъул котиби (бундан кейинги ўринларда масъул котиб деб юритилади) зиммасига юклатилади. Масъул котиб малака комиссиясининг ва Олий малака комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Масъул котиб:

талабгорлардан ҳужжатларни, шунингдек, адвокатларга нисбатан интизомий иш юритишга тааллуқли ҳужжатларни қабул қилади;

талабгорларга сабабларини кўрсатган ҳолда ҳужжатларни қайтариб беради;

малака комиссияси мажлисида кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлашни амалга оширади ва уларнинг сақланишини таъминлайди;

малака комиссияси аъзоларини, шунингдек, қайси адвокатга нисбатан интизомий иш юритиш олиб борилаётган бўлса, ўша адвокатни ва бошқа манфаатдор шахсларни комиссия мажлисининг ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида хабардор қилади;

малака комиссияси аъзолари ва манфаатдор шахсларнинг мажлисида ҳозир

бўлганлигини текширади, ҳозир бўлмаганлик сабабларини аниқлайди ва бу ҳақда малака комиссиясига ахборот беради;

малака комиссияси мажлисларининг баённомаларини юритади;

малака имтиҳонини топширмаган талабгорларнинг ҳисобини юритади;

раислик қилувчининг малака комиссияси мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа топшириқларини бажаради, шунингдек, мазкур Низомга мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

14. Малака комиссиясининг мажлисларида баённома юритилади, у мажлисда қатнашган комиссиянинг барча аъзолари, шунингдек, масъул котиб томонидан имзоланади. Малака комиссиясининг қароридан рози бўлмаган малака комиссиясининг аъзоси комиссия мажлисининг баённомасига киритиладиган ўзининг нуқтаи назарини ёзма шаклда баён этишга ҳақли.

15. Малака комиссияси мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларга қараб, баённомада:

комиссия мажлиси ўтказиладиган сана ва жой;

комиссия мажлисида қатнашган комиссия аъзоларининг рўйхати;

комиссия мажлисининг кун тартиби;

талабгорлар тўғрисидаги ахборот;

талабгорнинг имтиҳон билетининг рақами ва унга киритилган саволлар мазмуни;

талабгорнинг имтиҳон билетида назарда тутилган саволларга жавоблари;

комиссия аъзолари томонидан берилган қўшимча саволлар ва талабгорнинг жавоблари;

талабгор томонидан малака имтиҳонини топшириш натижалари бўйича овоз бериш яқунлари;

адвокат қасамёдини қабул қилаётган талабгорга берилган лицензия тўғрисидаги маълумотлар;

интизомий иш юритишга оид ҳолатлар, малака комиссияси аъзоларининг, манфаатдор шахсларнинг сўзга чиқишлари ҳамда тегишли ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг асосий мазмуни;

интизомий иш юритишни кўриб чиқиш натижалари бўйича овоз бериш яқунлари;

малака комиссияси аъзолари томонидан билдирилган фикрлар;

комиссия мажлисининг кун тартибига киритилган ҳар бир масала бўйича қарорлар;

комиссия қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби;

қарор қабул қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар акс эттирилади.

16. Малака комиссияси мажлиси баённомасининг нусхалари бир ҳафтalik муддатда Олий малака комиссиясига ва тегишли адлия органига юборилади.

17. Малака комиссияси мажлисининг баённомасидан кўчирмалар қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай масъул котиб

имзоси билан манфаатдор шахсларга юборилади ёки тилхат олинган ҳолда топширилади. Малака комиссияси мажлисининг баённомасидан кўчирмалар ҳудудий бошқарманинг муҳри билан тасдиқланади.

Малака комиссияси мажлиси баённомасидан кўчирмаларда комиссия мажлиси ўтказилган сана ва жой тўғрисидаги маълумотлар, комиссия мажлисининг кун тартибига киритилган қисмидаги, тегишли манфаатдор шахсларга тааллуқли бўлган масала бўйича қарор ва ушбу қарор устидан шикоят қилиш тартиби баён этилади.

#### **IV. Малака имтиҳонини топшириш учун зарур бўлган ҳужжатлар**

18. Талабгор малака имтиҳонини топшириш учун доимий яшаш жойидаги ҳудудий бошқармага қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

малака имтиҳонини топшириш тўғрисидаги ариза;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг нусхаси;

олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

талабгор тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган шахсий варақа;

талабгор стажировка ўтаган адвокатлик тузилмаси томонидан берилган тавсифнома;

3 x 4 см ҳажмдаги (сўнгги 12 ой ичида олинган) 2 дона рангли фотосурат.

Талабгор томонидан малака комиссиясига бошқа ҳужжатлар ҳам тақдим этилиши мумкин.

19. Ҳудудий бошқармага тақдим этилган ҳужжатлар масъул котиб томонидан ҳужжатлар рўйхатини тузган ҳолда қабул қилиб олиниб, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган ҳолда талабгорга юборилади (топширилади) ва ҳужжатлар ҳудудий бошқарма томонидан рўйхатга олинади.

20. Масъул котиб мазкур Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олганидан эътиборан икки кундан кечиктирмай талабгорнинг судланганлиги ёки судланмаганлиги тўғрисида маълумот олиш учун ички ишлар органларига, шунингдек, талабгорнинг муомалага лаёқатлилиги тўғрисида маълумот олиш учун тегишли органларга сўровнома юборилишини ташкил этади.

21. Малака имтиҳонини топшириш учун материалларни тайёрлаб бўлганидан кейин масъул котиб уларни малака комиссиясининг тегишли ҳамраисига масалани комиссия мажлисининг кун тартибига киритиш учун тақдим этади.

22. Масъул котиб томонидан талабгор тақдим этган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан кейин улар талабгорга қуйидаги ҳолларда қайтариб берилиши мумкин:

талабгор малака имтиҳонини топшира олмаган кундан эътиборан бир йил ўтмасдан такроран малака имтиҳонини топшириш учун мурожаат қилса;

хужжатларнинг тўлиқ рўйхатини топширмаса ёки уларни лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этса;

юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлма-са, шу жумладан, адвокатлик тузилмасида камида олти ойлик стажировкадан ўтмаган бўлса;

талабгор тақдим этган хужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлса;

агар лицензиясининг амал қилиши тугатилган шахснинг Қонунга мувофиқ талабгор бўлишга ҳақли бўлмаган уч йиллик муддат ўтмаган бўлса;

талабгор белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек, унинг судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган бўлса;

агар талабгор ўз хужжатларини қайтариб бериш тўғрисида ариза билан мурожаат этса.

23. Хужжатлар талабгорга сабабларини кўрсатган ҳолда масъул котиб томонидан қайтариб берилади. Хужжатлар қайтариб беришнинг барча сабаблари бартараф этилгандан кейин такроран тақдим этилиши мумкин.

## **V. Талабгорлардан малака имтиҳони қабул қилиш**

24. Малака имтиҳони масъул котиб томонидан талабгорлардан зарур хужжатлар қабул қилиб олинган кундан эътиборан бир ой ичида ўтказилади.

Талабгор малака комиссияси мажлисининг ўтказилишидан камида ўн кун олдин мажлис ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида хабардор қилинади.

25. Талабгор малака комиссиясининг мажлисига узрли сабабларга кўра ҳозир бўлмаса, комиссия талабгор малака имтиҳонини комиссиянинг кейинги мажлисида топшириши тўғрисида қарор қабул қилади, мажлис ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида қўшимча равишда маълум қилинади.

Талабгор малака комиссиясининг мажлисида ҳозир бўлмаган бошқа барча ҳолларда у томонидан тақдим этилган хужжатлар ҳудудий бошқармада кўпи билан бир ой сақланади. Ушбу муддат ўтгандан кейин масъул котиб кўрсатилган хужжатларни талабгорларга қайтариб беради.

26. Малака имтиҳони барча талабгорлар учун битта хонада, оғзаки ва ёзма шаклларда ўтказилади.

Малака имтиҳони ўтказилаётган хонада бегона шахсларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

27. Талабгорларга имтиҳон варақлари берилади, уларнинг ҳар бири ҳудудий бошқарма раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.

28. Талабгорнинг имтиҳон билетидаги саволларга жавоблар тайёрлаши учун кўпи билан бир соат вақт берилади.

29. Малака имтиҳони Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси

Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги билан биргаликда тасдиқлаган рўйхатдаги саволлардан тузилган имтиҳон билетлари асосида ўтказилади.

Имтиҳон билетларида кўпи билан бешта, шу жумладан, ҳуқуқни амалий қўлланилиши соҳасига, улардан камида ярми ҳуқуқнинг турли тармоқлари назариясига оид саволларни ўз ичига олиши керак.

Имтиҳон билетидаги саволларга талабгорнинг жавоблари имтиҳон варақларида акс эттирилади.

30. Имтиҳон билетидаги саволларга жавоблар тайёрлашда талабгорга:

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

ахборот манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган қонун ҳужжатларидан, адабиётлардан, ҳар қандай турдаги техника воситалари ёки бошқа ҳужжатлар ва воситалардан фойдаланиш;

имтиҳон билетини топширмасдан олдин, хонадан чиқиш тақиқланади.

31. Талабгор ўзининг имтиҳон билетидаги саволларга оғзаки жавоб беради. Малака комиссиясининг аъзолари имтиҳон билетидаги саволларга аниқлик киритиш мақсадида талабгорга қўшимча саволлар бериши мумкин.

32. Талабгор имтиҳон варағини топширганидан кейин малака имтиҳони ўтказилган хонани тарк этиши керак.

33. Имтиҳон варағи малака комиссияси мажлисининг баённомасига илова қилинади.

34. Малака имтиҳонини топшириш натижалари бўйича малака комиссияси қўйидаги қарорларнинг бирини қабул қилади:

талабгорни малака имтиҳонини топширган деб топиш тўғрисида;

талабгорни малака имтиҳонини топширмаган деб топиш тўғрисида.

35. Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгорнинг ёзма шаклдаги талабига биноан у малака комиссияси мажлисининг баённомасидан кўчирма олган кундан эътиборан бир ой ичида ҳудудий бошқармага у томонидан малака имтиҳонини топшириш учун тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилиши мумкин, ариза бундан мустасно.

36. Талабгор томонидан талаб қилиб олинмаган ҳужжатлар малака комиссияси қарор қабул қилган кундан эътиборан уч йил давомида ҳудудий бошқарма архивида сақланади. Ушбу муддат ўтганидан кейин ҳужжатлар белгиланган тартибда йўқ қилиб юборилиши лозим.

## **VI. Адвокатга нисбатан интизомий иш юритиш**

37. Интизомий иш юритишни қўзғатиш учун қўйидагилар асос бўлади: адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг, Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сирининг ва адвокат қасамёдининг адвокат томонидан бузилиши ҳудудий бошқарма ёки адлия органи томонидан аниқланганлиги;

адвокатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари;

суднинг адвокатга нисбатан чиқарган хусусий ажрими.

38. Мазкур Низомнинг 37-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, тегишли ҳудудий бошқарманинг ёки адлия органининг раҳбари малака комиссиясига важларни баён этган ҳолда адвокатга нисбатан интизомий иш юритишни кўриб чиқиш тўғрисида тақдимнома кириштириш орқали мазкур адвокатга нисбатан интизомий иш юритиш қўзғатади. Тақдимномага у билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва материаллар илова қилинади.

39. Интизомий иш юритишни кўриб чиқиш тўғрисидаги тақдимнома ҳудудий бошқарма томонидан рўйхатга олинади ва барча ҳужжатлар билан бирга масъул котибга топширилади. Масъул котиб уларни қабул қилиб олган куннинг эртасидан кечиктирмай адвокатни унга нисбатан интизомий иш юритиш қўзғатилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

40. Масъул котиб комиссия аъзолари ва манфаатдор шахсларни комиссия мажлисининг ўтказилишидан камида ўн кун олдин мажлис ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида хабардор қилади.

41. Масъул котиб қайси адвокатга нисбатан интизомий иш юритиш қўзғатилган бўлса, ўша адвокатни иш материаллари билан таништириши ва ундан комиссия номига ушбу иш юритиш бўйича ёзма тушунтиришлар беришни талаб қилиши керак. Адвокатнинг тушунтириш беришни рад қилиши интизомий иш юритишни кўриб чиқишга ва интизомий жазо чоралари қўллашга тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

42. Ўзига нисбатан интизомий иш юритиш қўзғатилган адвокат:

интизомий иш юритиш қўзғатилишига асос бўлган барча материаллар билан танишиб чиқишга;

интизомий иш юритиш ҳолатлари бўйича ёзма шаклда тушунтиришлар беришга ва қўшимча маълумотлар тақдим этишга;

малака комиссияси ёки Олий малака комиссияси қарор қабул қилгунига қадар (агар бу унинг кўриб чиқиш предмети бўлса), интизомий иш қўзғатилишига сабаб бўлган шикоятни берган шахс билан ярашув чораларини кўришга ҳақли.

43. Адвокат малака комиссияси мажлисининг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинганлигига қарамасдан комиссиянинг мажлисига келмаган тақдирда, комиссиянинг қарори билан интизомий иш юритишни кўриб чиқиш кейинги мажлисга қолдирилиши ёки унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

44. Агар интизомий иш юритишни кўриб чиқишда малака комиссияси интизомий иш юритиш билан боғлиқ айрим масалаларни ўрганиш талаб қилинади деган хулосага келса, бундай ўрганишни ўтказиш комиссиянинг қарори билан унинг аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилиши мумкин.

45. Малака комиссияси томонидан адвокатга нисбатан интизомий жазо чоралари қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинишида, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги, унинг содир этилган ҳолатлари, адвокатнинг олдинги фаолияти ва хулқ-атвори эътиборга олинади.

46. Адвокатга нисбатан интизомий иш юритишни кўриб чиқиш натижалари бўйича малака комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

огохлантириш тўғрисида;

лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида;

интизомий жазо чоралари қўллашни рад этиш ва интизомий иш юритишни тугатиш тўғрисида.

47. Малака комиссиясининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарори, у қабул қилинган кунда худудий бошқарма томонидан тегишли адлия органига ёзма шаклда маълум қилинади, адлия органи ўша куннинг ўзида малака комиссиясининг қарори асосида адвокат мақомини тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

48. Интизомий жазо чоралари қўллашни рад этиш ва интизомий иш юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор малака комиссияси томонидан, агар интизомий иш юритишни кўриб чиқиш вақтида у адвокатга нисбатан интизомий иш юритишни кўриб чиқиш тўғрисидаги такдимномада баён этилган важлар тасдиқланмади, деган хулосага келса, шунингдек, адвокатнинг интизомий иш қўзғатилишига сабаб бўлган шикоятни берган шахс билан ярашувга эришганлиги муносабати билан қабул қилинади.

## **VII. Талабгордан адвокатлик қасамёдини қабул қилиш**

49. Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 3<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, белгиланган тартибда лицензия олган талабгор уч ой ичида адвокат қасамёдини қабул қилиши ва якка тартибда ёки лицензияга эга бўлган бошқа шахслар билан биргаликда адвокатлик тузилмасини тузиши ёки фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларининг бирига кириши шарт.

50. Талабгор адвокат қасамёдини қабул қилиш учун лицензия берилган жойдаги малака комиссиясига тегишли ариза билан мурожаат этади, унга лицензиянинг нусхаси илова қилинади.

51. Талабгор малака комиссияси мажлисининг ўтказилишидан камида ўн кун олдин мажлис ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида хабардор қилинади.

52. Талабгор тегишли малака комиссиясининг мажлисида қуйидаги мазмунда қасамёд қабул қилади:

«Ўз касбий бурчимни ҳалол ва виждонан бажаришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамиша ҳимоя қилишга, адвокатлик сирини сақлашга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан».

53. Талабгор адвокат қасамёди матнини овоз чиқариб ўқийди ва талабгор тўғрисидаги маълумотлар, лицензия берилган сана ва унинг рақами,

қасамёд қабул қилинган сана ва жой баён этилган тегишли ҳужжатни имзолайди.

Мазкур ҳужжат малака комиссияси мажлисининг баённомасига илова қилинади.

54. Талабгор адвокат қасамёдини қабул қилганлиги натижалари бўйича малака комиссияси талабгор томонидан адвокат қасамёди қабул қилинганлигини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

### **VIII. Яқунловчи қоидалар**

55. Манфаатдор шахслар томонидан малака комиссияларининг қарорлари устидан малака комиссияси мажлисининг баённомасидан қўчирма олинган кундан эътиборан бир ой ичида Олий малака комиссиясига шикоят берилиши мумкин.

Шикоят Олий малака комиссияси номига ёзилади ва Адвокатлар палатасига бевосита ёки тегишли ҳудудий бошқармалар орқали юборилади.

Малака комиссиясининг қарори устидан шикоят ҳудудий бошқарма орқали берилган ҳолда, ҳудудий бошқарма уч кун ичида шикоятни у билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва материалларни илова қилган ҳолда Олий малака комиссиясига юбориши шарт.

56. Малака комиссияларининг қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

57. Мазкур Низомни бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

58. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

*Адвокатлар палатасининг  
раиси*

**Т. САЙИДОВ**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 14 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**135** Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва уни ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1922*

*(2009 йил 28 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ–196-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 512-модда)ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда)ги қарорига мувофиқ **бюро-ман:**

1. Илова қилинаётган Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва уни ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 23 февраль,  
8-сон

Молия вазирининг  
2009 йил 23 февралдаги 8-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари  
ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат»  
худудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб  
рақамига тўплаш ва уни ишлатилиши тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ–196-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 512-модда)ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда)ги қарорига мувофиқ пахта толасини ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси (кейинги ўринларда — «Пахтасаноат» ХАБ)нинг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва уни ишлатилиши тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ички нарх** — пахта толасининг прејскурант улгуржи нархини, сотиш харажатларини ва «Пахтасаноат» ХАБнинг комиссия харажатларини ўз ичига оладиган нарх;

**сотилган нархи** — пахта толасини «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси» ОАЖ (кейинги ўринларда — ЎзРТХАБ)да сотилганда ҳамда жаҳон бозоридаги нархлардан ташқи савдо компаниялари учун белгиланган чегирмалар чиқарилиб аниқланган нарх;

**ижобий фарқ** — сотилган нархнинг ички нархдан ошган миқдори;

**салбий фарқ** — пахта толаси ички нархнинг ЎзРТХАБда сотилган нархидан ошган миқдори.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 212-моддасига асосан пахта толасини чет эл валютасига экспорт қилишда қўшилган қиймат солиғининг (кейинги ўринларда — ҚҚС) ноль ставкаси қўлланилади. Пахта толасини республика корхоналарига етказиб беришда ҚҚСнинг умумий қўлланиладиган 20 фоиз ставкаси қўлланилади.

3. Пахта толасининг ички нархи:

экспортга сотиш учун мўлжаллангани — ҚҚСни ноль ставкасида ҳисобга олиб;

республика корхоналарига сотишга мўлжаллангани — ҚҚСни 20 фоиз ставкасида ҳисобга олиб аниқланади.

4. Пахта толасининг ички ва сотилган нархлари ўртасидаги фарқни аниқлашда толанинг нархи ва ҳажми кондицион оғирликда ҳисобга олинади.

## **II. Пахта толасининг ички ва сотиш нархлари ўртасидаги ижобий фарқни аниқлаш тартиби**

5. Пахта толасининг ички ва сотилган нархлари ўртасидаги фарқ ҳар ойда «Пахтасаноат» ҚАБ томонидан:

экспортга сотишда — ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ пахта толасининг ички ва сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқни ҳисоб-китоби шаклида;

ички истеъмолчиларга сотишда — ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ пахта толасининг ички ва республика корхоналарига сотилган нархлари ўртасидаги ижобий (салбий) фарқни ҳисоб-китоби шаклида аниқланади.

6. Республика корхоналарига сотилган пахта толасини ҳажми бўйича салбий фарқ ҳосил бўлган ҳолатда, салбий фарқ суммаси экспортга сотилган ҳажм бўйича ҳосил бўлган ижобий фарқ суммаси ҳисобидан қопланади.

Ижобий фарқ суммаси билан қопланмаган салбий фарқ суммаси «Пахта толасининг жаҳон ва ички нархлари ўртасида вужудга келган манфий фарқни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом» (2005 йил 6 июль, рўйхат рақами 1486)да белгиланган тартибда қопланади.

7. Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги фарқни ҳисоб-китоб қилиш учун:

ЎЗРТХАБ орқали пахта толасини сотишда бошланғич нархини аниқлашда қўлланиладиган ва ташқи савдо компанияларига белгиланган чегирмаларни жаҳон бозоридаги нархлардан чегириб кондицион оғирликдаги вазнга аниқланган ҳақиқатдаги сотиш нархи;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг пахта толасининг кондицион оғирлигига тасдиқлаган прејскурант нархи;

пахта толасини Ташқи савдо компаниялари ва ЎЗРТХАБ орқали сотиб олгунга қадар ҳудудий ихтисослашган пахта терминалларига етказиб бериш, юклаш-тушириш ва сақлаш бўйича ҳақиқий харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган «Пахтасаноат» ҚАБ нинг комиссия харажатлари қўлланилади.

8. «Пахтасаноат» ҚАБ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш ҳисоб-китоби жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма)нинг унга бириктирилган бош инспектори (кейинги ўринларда — Жамғарманинг бош инспектори)га ҳар ойда, кейинги ойнинг 5-кунигача нархлар ўртасидаги фарқнинг ҳисоб-китобини текшириш учун топширади.

9. Жамғарманинг бош инспектори икки кун ичида ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текширади ва «текширилди» ёзувини қайд қилиб, имзо қўяди

ва уларни «Пахтасаноат» ҲАБнинг пахта ва пахта маҳсулотларининг контрактацияси ва ҳисоб-китоби марказига қайтаради.

10. Маълум йил ҳосилининг пахта толасини сотиш тугаллангандан сўнг маҳсулотларни олувчилар билан тузилган таққослама далолатномаларга асосан маҳсулотларнинг ички ва сотилган нархлари бўйича ҳақиқий сотилган қийматидан ҳамда ижобий фарқни тўплаш махсус ҳисоб рақамига ўтказилган суммалардан келиб чиқиб, якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

### **III. Ижобий фарқ суммасини тўплаш ва ишлатилиши тартиби**

11. «Пахтасаноат» ҲАБ ижобий фарқ суммаларини тўплаш учун хизмат кўрсатувчи банкда «Ижобий фарқ ҳисоб рақами» махсус ҳисоб рақамини очади ва маблағларни маҳсулот олувчилардан келиб тушишига қараб Жамғарманинг бош инспектори текширган ҳисоб-китобларга мувофиқ ушбу ҳисоб рақамга ўтказилади.

12. Ижобий фарқ суммаси солиқ солиш объекти ҳисобланмайди ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда пахта тозалаш корхоналарининг 2009 йил 1 январь ҳолатига мавжуд бўлган солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларини ҳамда Жамғарманинг кредитларини сўндиришга ишлатилади.

13. «Пахтасаноат» ҲАБ махсус ҳисоб рақамга маблағларни тўпланишига қараб чоракни охири ойининг 25-кунидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига пахта толасининг ички ва сотилган нархлари ўртасидаги фарқ ҳисоб-китобини ва махсус ҳисоб рақамга тўпланган маблағлар суммаси тўғрисида ҳамда пахта тозалаш корхоналарининг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар ҳамда Жамғарма кредитлари бўйича қарздорлиги ҳақида маълумотни тақдим қилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уч кун ичида ҳисоб-китобларни текширади ва тўпланган ижобий фарқ суммасини корхоналар бўйича уларнинг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар ҳамда Жамғарма кредитлари бўйича қарздорлигини ҳисобга олиб тақсимлайди. Солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар ва Жамғарма кредитлари бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаган корхоналар бўйича ижобий фарқ суммаси Жамғарманинг айланма маблағини тўлдиришга йўналтирилади.

15. «Пахтасаноат» ҲАБ ҳар бир чоракни охири ойининг 30-кунидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг хатига асосан махсус ҳисоб рақамдаги маблағларни:

пахта тозалаш корхоналарининг ҳисоб рақамига уларнинг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлигини сўндириши учун;

Жамғарма кредитлари бўйича қарздорлигини сўндириши учун Жамғармага ўтказиб беради.

Солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлардан ҳамда Жамғарма кредитларидан қарздорлиги мавжуд бўлмаган корхоналар бўйича маблағлар Жамғарманинг айланма маблағини тўлдиришга йўналтирилади.

**IV. Якуний қоида**

16. Ушбу Низом «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан келишилган.

*«Ўзпахтасаноат»  
уюшмаси раиси*

**Ф. ОМОНОВ**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 23 февраль*

Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва уни ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Пахта толасининг ички ва сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқнинг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

200\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_дан 200\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_гача даврда

| № |  | Счёт фактуранинг рақами ва санаси | Миқдори | Сотиш нархи | Ички нарх* | Ижобий фарқ суммаси |             |
|---|--|-----------------------------------|---------|-------------|------------|---------------------|-------------|
|   |  |                                   |         |             |            | 1 тоннага           | жами ҳажмга |
| 1 | 2  | 3                                 | 4       | 5           | 6          | 7                   | 8           |
| 1 | «Ўзинтеримпэкс» ТСК  |                                   |         |             |            |                     |             |
| 2 | «Ўзмарказимпэкс» ТСК   |                                   |         |             |            |                     |             |
| 3 | «Ўзпромашимпэкс» ТСК   |                                   |         |             |            |                     |             |
| 4 | ЎзРТХАБ орқали   |                                   |         |             |            |                     |             |
|   | <b>Жами</b>  |                                   |         |             |            |                     |             |
|   | Олдин ҳисобланган ижобий фарқ суммаси бўйича қарздорлик                                |                                   |         |             |            |                     |             |
|   | <b>Ҳаммаси</b>   |                                   |         |             |            |                     |             |
|   | Шундан республика корхоналари бўйича ҳосил бўлган салбий фарқни қоплашга йўналтирилади |                                   |         |             |            |                     |             |
|   | <b>Махсус ҳисоб рақамига ўтказиладиган сумма</b>                                       |                                   |         |             |            |                     |             |

\* **Ички нарх** = Прейскурант нархи (ҚҚСни ноль ставкасида ҳисобга олиб) + Сотиш харажатларини + «Пахтасаноат» ҲАБнинг комиссия харажатлари.

Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва уни ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Пахта толасининг ички ва республика корхоналарига ҳақиқатда сотилган  
нархлари ўртасидаги ижобий (салбий) фарқнинг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_дан 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_гача даврда

минг сўмда

| № | Счёт фактуранинг рақами ва санаси                                | Миқдори | Сотиш нархи | Ички нарх* | Ижобий фарқ суммаси |             | Салбий фарқ суммаси |             |    |
|---|--|---------|-------------|------------|---------------------|-------------|---------------------|-------------|----|
|   |  |         |             |            | 1 тоннага           | жами ҳажмга | 1 тоннага           | жами ҳажмга |    |
| 1 | 2  | 3       | 4           | 5          | 6                   | 7           | 8                   | 9           | 10 |
| 1 | «Ўзинтеримпэкс» ТСК  |         |             |            |                     |             |                     |             |    |
| 2 | «Ўзмарказимпэкс» ТСК   |         |             |            |                     |             |                     |             |    |
| 3 | «Ўзпромшашимпэкс» ТСК  |         |             |            |                     |             |                     |             |    |
| 4 | ЎзРТХАБ орқали   |         |             |            |                     |             |                     |             |    |
|   | <b>Жами</b>  |         |             |            |                     |             |                     |             |    |
|   | Олдин ҳисобланган ижобий (салбий) фарқ суммаси бўйича қарздорлик |         |             |            |                     |             |                     |             |    |
|   | <b>Ҳаммаси</b>   |         |             |            |                     |             |                     |             |    |
|   | <b>Ижобий (салбий) фарқ суммаси қолдиғи</b>                      |         |             |            |                     |             |                     |             |    |

\* **Ички нарх** = Прейскурант нархи (ҚҚСни 20 фоиз ставкасида ҳисобга олиб) + Сотиш харажатларини + «Пахтасаноат» ҚАБнинг комиссия харажатлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**136 Юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат  
кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари-  
ни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1923*

*(2009 йил 28 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 17 февраль,  
8/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазирининг  
2009 йил 17 февралдаги 8/Б-сонли  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат  
кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатувчи барча турдаги корхоналар (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади) учун тааллуқлидир.

2. Мазкур Қоидаларга риоя этилиши устидан назорат махсус ваколатли давлат идоралари, корхонанинг раҳбари ва меҳнатни муҳофаза қилишга масъул ходимлар зиммасига юклатилади.

3. Одам ва ҳайвонлар учун хавфли бўлган юқумли касалликларга қуйидагилар киради:

**бруцеллёз** — бруцелла микроби қўзғатадиган инфекцион касаллик ҳисобланиб, сигир, қўй, чўчка учун характерли бўлади.

Чорвачилик билан шуғулланувчи корхоналарда бруцеллёз касаллигининг олдини олиш мақсадида махсус дастур асосида эмлаш, даврий тиббий кўрик, диспансеризация ва бошқа тадбирлар ўтказилади. Касал ҳайвон организмидан бруцеллалар ташқи муҳитга сут, сийдик, жинсий аъзолардан келадиган суюқликлар орқали яйлов, сув ичиш манбалари, ҳовли, ферма, оғилхонадаги тўшақларга ва касал ҳайвоннинг териси ҳамда жунларига тушади;

**куйдирги** — ўта оғир ўтувчи инфекцион касаллик бўлиб, қорамол, қўй, буғу, туя, от, чўчка ва бошқа ҳайвонларда учрайди. Бу касаллик куйдирги таёқчалари томонидан чақирилади. Касалликнинг олдини олишда одам ва ҳайвонларни вақтида эмлаш асосий усул ҳисобланади. Касал ҳайвонлар изоляция қилинади. Ўлган ҳайвонлар жасади куйдирилади;

**лептоспироз** — лептоспира микроби қўзғатадиган инфекцион касаллик бўлиб, одам ва ҳайвонларда учрайди. Лептоспироз билан йирик ва майда шохли моллар, чўчка, от ва бошқа ҳайвонлар касалланади. Медицина ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш, эмлаш ва кемирувчиларни ўз вақтида йўқотиш тадбирлари касалликнинг олдини олишда асосий тадбирлар ҳисобланади;

**оқсил (овсил)** — вирусли касаллик бўлиб, одамларга, қорамол, туя, от, буғу, эчки, қўй, чўчка ва итлардан ўтади.

Касалликнинг олдини олиш учун аввало ветеринария-санитария тадбирлари ўтказилади. Чорвачилик билан шуғулланувчи корхоналарда касал ҳайвон аниқланса, карантин эълон қилинади;

**сальмонеллёз** — сальмонелла вируси қўзғатадиган юқумли касаллик бўлиб, гўшт маҳсулотларини истеъмол қилгандан сўнг ошқозон ичак фаолиятининг бузилиши билан характерланади.

Касалликнинг олдини олиш учун шахсий гигиенага, тозалikka риоя қилиш ва ошхона анжомлари (гўшт чопиш тахтаси, пичоқ, болта ва бошқалар)ни тоза сақлаш лозим. Сўйилган ҳайвон ёки парранда гўштини ветеринария врачлари рухсатсиз истеъмол қилиш тавсия этилмайди;

**туберкуллёз** — узоқ вақт давом этадиган инфекцион касаллик ҳисобланади. Туберкуллёз билан йирик шохли моллар, майда шохли моллар, паррандалар ва чўчкалар касалланади.

Барча ишчи ходимлар режа асосида текширувлардан ўтади ва шу билан

бирга рентгенофлюорография ва иммунобиологик реакцияга текширилиб туришлари шарт;

**туляремия** — кемирувчилар касаллиги бўлиб, каламуш, андатра, куён, суғур ва уй сичқонларида учрайди. Касаллик микроби касал ҳайвоннинг сийдиги ва ахлати орқали сувни, тупрокни, ўтти ва донларни захарлайди. Агар туляремия билан касалланган кемирувчи аниқланса, ўша туманда жойлашган барча фуқаролар эмланади;

**тениоз** — инвазион касаллик ҳисобланади. Одамнинг ингичка ичагида чўчка солитерининг мавжуд бўлиши натижасида келиб чиқадиган касаллик;

**тениаринхоз** — инвазион касаллиги. Одам ингичка ичагида кўп йиллар давомида яшайди. У ташқи муҳитга одам организмидан уруғларга тўлиб кейин фекалий билан биргаликда чиқади;

**эхинококкоз ва альвеококкоз** — касалликни одамларда паразитар гельминтлар қўзғайди. Эхинококкоз паразити майда шарсимон бўлиб, ит, бўри, тулки, шимол тулкиси ва бошқа ҳайвонларнинг ичагида яшайди;

**кутириш** — ўткир юқумли вирусли касаллик бўлиб, бўри, тулки, дайди итлар ва пашшалар касаллик манбаи ҳисобланади. Бу касалликка йирик ва майда шохли ҳайвонлар, от, туя, чўчка, мушук ва одамлар таъсирчан ҳисобланади. Вируслар касал ҳайвон сўлагида жойлашган бўлиб, у тишлаган вақтида бошқа организмга юқади.

## II. Умумий хавфсизлик талаблари

### 1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил қилиш

4. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 273) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

5. Корхоналарнинг раҳбарлари ва барча ходимлари, шу жумладан юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатувчи ходимлар белгиланган тартиб ва муддатларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишлари, тегишли йўл-йўриқлар олишлари, билимларини ошириб боришлари ҳамда белгиланган муддатларда уларнинг билимларини синовдан ўтказиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш ҳақида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

6. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

## 2-§. Касбий танлов

7. Ҳар бир корхонада ўта хавфли шароитларда бажариладиган ишлар рўйхати бўлиши зарур.

8. Барча ишчилар ўта хавфли бўлган ишларни бажаришга киришишдан олдин бундай ишларни амалга ошириш бўйича йўл-йўриқдан ўтишлари, талаблар билан танишишлари ва уларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўзлаштириб олган бўлишлари зарур.

9. Ўта хавфли ишлар билан шуғулланиш белгиланган тартибга мувофиқ корхона раҳбари томонидан тасдиқланиб, рухсат этилган ходимлар томонидангина амалга оширилиши лозим.

10. Корхона раҳбари ўта хавфли касалликларнинг олдини олишни ташкил этиш ва ишларни хавфсиз ўтказишда белгиланган тартибга амал қилиш учун жавобгардир.

11. Касбий танловдан сўнг ишга қабул қилинганларнинг касбий маҳорати юқори эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида назорат ўрнатиш, зарурат бўлганда синовдан ўтказиш лозим.

## 3-§. Ходимлар саломатлигини назорат қилиш

12. Иш берувчи мунтазам равишда ишчи-ходимларнинг бошланғич даврдаги умумий ва касб касалликларини аниқлаш мақсадида уларнинг соғлигини назорат қилиб бориши керак.

13. Иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган ишчи-ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг тиббий кўриқка келишини таъминлаши лозим.

14. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриқлардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи (2000 йил 23 июнь, рўйхат рақами 937) асосида амалга оширилиши лозим.

15. Тиббий кўриқлар корхонанинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаганда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

16. Даврий тиббий кўриқлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик корхонанинг раҳбарияти зиммасига юкланади. Ишчи-ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

17. Ишчи-ходимлар тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда иш берувчи ушбу ходимни ишга қабул қилишга ҳақли эмас.

#### **4-§ Ишчиларнинг жамоавий ва якка тартибдаги химоя воситаларидан фойдаланиши**

18. Ишчиларни зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан химоя қилиш учун, уларни тегишли стандартлар талабларига мос келувчи шахсий химоя воситалари билан таъминлаш лозим.

19. Ишчи ва хизматчилар шахсий химоя воситалари билан корхона томонидан бепул таъминланади.

20. Шахсий химоя воситаларидан фойдаланиши лозим бўлган ишчилар, уларнинг қўлланиш усулларини, химояланиш хусусиятларига, амал қилиш муддатлари тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим.

21. Иш берувчи қуйидагиларни таъминлаши керак:

а) меъёрий ҳужжатлар бўйича ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган шахсий химоя воситаларининг миқдори ва номенклатурасини;

б) шахсий химоя воситаларини қўллаш ва улардан тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратнинг олиб борилишини;

в) қўлланилаётган шахсий химоя воситаларининг самарадорлиги ва созлогини текширилишини;

г) шахсий химоя воситаларидан хавфли ва захарли моддалар муҳитида фойдаланилганда уларни дегазация ва дезинфекция қилинишини (бир марта қўлланиладиган шахсий химоя воситалари бундан мустасно).

22. Барча ходимларга берилган шахсий химоя воситалари ишдан сўнг олиниб махсус шкафда сақланади.

Шахсий химоя воситалари билан белгиланган ҳудудларидан ташқарида юришга рухсат этилмайди.

23. Барча шахсий химоя воситалари ветеринар томонидан тавсия этилган дезинфекцияловчи моддалар билан ишлов берилади.

24. Химоя кийими иш вақтида тўла тугмаланиши, енг манжетлари ва бармоқлари қўл химоя воситаси билан беркитилган ҳолда бўлиши зарур.

25. Ишчиларнинг сочлари махсус бош кийим (берет, рўмол ва хоказо ) билан беркитилган бўлиши лозим.

#### **5-§. Чорвачиликда хавфли ва зарарли омиллар ва улардан химояланиш усуллари**

26. Корхонада ҳайвонларга қараш, касалликнинг олдини олиш ва даволаш пайтлари инсон организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар рўйхати бўлиши керак.

27. Чорвачилик фермалари ва комплексларида инсонлар ва ҳайвонлар чалинадиган касалликлар билан касалланган шахсларнинг ишлашлари тақиқланади.

28. Ҳайвонларга хизмат кўрсатишда тери касалликлари билан касалланган, шилинган ва майда яралари бор ходимлар фақат шифокор рухсати билан ишлашга рухсат этилади.

29. Агрессив ҳайвонлар сақланадиган оғилхона ёки бокслар тепасига оғоҳлантирувчи белги қўйилиши шарт. Бу белги сариқ рангли ёзув билан ёзилиши лозим.

30. Боғланмай сақланадиган ҳайвонларга хизмат кўрсатиш жараёнида уларнинг ҳаракатини чеклаб қўядиган асбоб ва ускуналардан фойдаланиш керак.

31. Ҳайвондан одамга антропозоонос касалликларининг юқиш усуллари турли хил бўлади. Айрим касалликлар ҳайвонларга хизмат кўрсатиш жараёнларида юқиши мумкин. Бошқа ҳолатларда эса, ҳайвондан олинadиган маҳсулотлар, сут, сут маҳсулотлари, жун, гўшт, тери орқали ва паррандалар ҳамда одам ва ҳайвонга ҳужум қиладиган қон сўрувчи ҳашаротлар томонидан ҳам бу касалликлар юктирилиши мумкин.

### **6-§. Ишчи-ходимларнинг ишлаб-чиқариш жараёнига қатнашиши**

32. Ишга қабул қилинган ишчи-ходимлар иш жойида ишни бошлашдан олдин меҳнатни муҳофаза қилиш йўл-йўриғидан ўтиши керак.

33. «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати»га (2001 йил 9 июнь, рўйхат рақами 1040) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилиш тақиқланади.

34. «Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати»га (2000 йил 5 январь, рўйхат рақами 865) мувофиқ аёлларни зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилиш тақиқланади.

### **7-§. Дам олиш ва меҳнат қилиш тартиби**

35. Ишнинг кун тартиби, иш ҳафтаси, дам олиш ва танаффус вақти қонун ҳужжатларига асосан белгиланиши керак.

36. Ишлаш ва дам олиш тартибини тузаётганда ишнинг хусусиятини, зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари, меҳнат тури ва оғирлик даражасини ҳам инобатга олиш лозим.

37. Дам олиш ва меҳнат қилиш тартиби бир неча турлардан иборат бўлиши керак. Гигиена талаблари, шахсий заруриятлар ва дам олиш учун берилган вақт, меҳнатнинг оғир ва енгиллиги, жисмоний ва психологик иш турларига қараб ҳар хил касблар учун меҳнат ва дам олиш вақтлари билан белгиланиши керак.

## **III. Юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатишда хавфсизлик талаблари**

### **1-§. Умумий талаблар**

38. Юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатишни корхона раҳбари томонидан тасдиқланган гуруҳ олиб боради.

39. Юқумли касалликка чалинган ҳайвонларни парваришлаш ишларига профилактик эмланган, шахсий хавфсизлик қоидалари билан ишлаш тартибини биладиган шахсларга рухсат этилади.

40. Корхона раҳбари касаллик аниқланган тақдирда, дарҳол ветеринария ва медицина ходимларига хабар бериши ҳамда касал ҳайвонни изоляция қилиш чораларини қўриши шарт.

41. Изоляция қилинган ҳайвонлар сақланадиган жойга рухсат этилган шахслардан ташқари бошқа шахслар кириши тақиқланади. Ҳар бир хонага кириш йўлида дезатўшамалар қўйилиб, дезатўшамалар яшиксимон ҳолатда ичига қиринди билан тўлдирилади ва дезинфекцияловчи моддалар билан тўйинтирилади.

42. Дезатўшама ҳолатини баҳолаш, уларни ташкил қилиш, тўшамаларни алмаштириш уларга дезинфекцияловчи моддаларни қўйиш ветеринария ходимларига юклатилади ва корхонага кириш-чиқиш, пойабзалларни текшириш, дезинфекция қилиш ишларини назорат қилиш корхона раҳбари зиммасига юклатилади.

43. Касаллик мавжуд бўлган корхоналарда овқатланиш, сув ичиш ва чекиш тақиқланади. Ичимлик суви ишчи ходимлар учун махсус бочкаларда қайнатилган ҳолда сақланади.

44. Хўжаликларда юқумли касаллик билан касалланган ҳайвонларни сутини соғиш тақиқланади.

## **2-§. Ветеринария-санитария чора-тадбирлари**

45. Ветеринария-санитария ишлари олиб борилаётган вақтда бегона кишиларнинг кириши тақиқланади.

46. Дори воситаларини сақлаш, ташиш ва ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатларидан фойдаланилади.

47. Транспорт воситалари ва идишларни ювиш, дезинфекциялаш ва дегазация қилиш юқори босим остида (25 — 35 атмосфера) олиб борилади.

48. Транспорт воситаларини ва идишларни ювиш, дезинфекциялаш ва дегазация қилиш алоҳида камераларда ўтказилади. Чикиндилар канализация орқали қўл меҳнатисиз чиқариб юборилиши лозим.

49. Ювиш, дезинфекция қилиш, транспортларни дегазация қилиш хоналарига вентиляция ўрнатилади ва ҳар 10 — 15 дақиқада шамоллатилади. Кириш эшиги тепасига «Кириш ман этилади» ва «Хона тозаланган» деб ёзилган чироқли пешлавҳалар ўрнатилади.

50. Ҳайвонларни ректал текшириш ишлари махсус станокларда фиксация қилинган ҳолда амалга оширилади. Юқумли касалликлари мавжуд бўлган носоғлом хўжаликларда акушерлик қўлқописиз ректал текшириш ўтказишга рухсат этилмайди.

51. Ўлган ҳайвон танасини ёриш махсус (прозекторий, секция зали) жойларда ва ҳайвонлар қабристонига амалга оширилади. Ўлган ҳайвон танасини бўлаклаганда қон ва бошқа суюқликларни атрофга сачратиш тақиқланади.

52. Ўлган ҳайвонлар танаси махсус жиҳозланган борт ва тагидан суюқлик ўтмайдиган транспортларда ташилади.

53. Ўлган ҳайвонлар танасини ёриш хоналарида девор ва пол сув ўтказмайдиган, яхши ювиладиган, енгил дезинфекцияланувчи жиҳозлар ва қўшимча вентиляция, ювиниш хонаси, патматериал сақланадиган хоналар билан таъминланган бўлиши шарт.

Эшик ва кириш йўлаклари ўлган ҳайвонлар танасини киргизиш учун қулай бўлиши керак.

54. Куйдирги касаллигидан ўлган ҳайвонлар танасини ёришдан олдин унинг қонидан суртма тайёрланиб, микроскопда текширилади. Куйдирги касаллигидан ўлган ҳайвон танаси хавфсизлик чоралари кўрилган ҳолда куйдирилади.

Куйдирилган ҳайвон танасини биотермик хандакларга ёки ҳайвонлар қабристонига 2 метр чуқурликда кўмиш керак.

55. Корхона раҳбарининг зиммасига биометрик ускуналарнинг созлиги ва объектнинг санитария ҳолатини доимий назорат қилиш жавобгарлиги юклатилади.

56. Ўлган ҳайвонлар танасини ёриш хонаси, асбоб-ускуналар ва махсус иш кийимлари тозаланиб, зарарсизлантирилади.

57. Дезинфекция ва эмлаш ишлари аэрозол генератори билан бажарилаётганда ёнғинга қарши бирламчи ва шахсий ҳимоя воситаси бўлиши шарт.

58. Дезинфекцияловчи ускуналарни ишлатиш вақтида очик ҳавода, шамол тегадиган томонга ўрнатилиб, хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда фойдаланилади.

59. Дезинфекцияловчи воситаларни ишлатишда эритмаларнинг тўкилиши, оқиши ёки бошқа захарли моддаларнинг сочилиши ҳамда эритмаларни солиш ва чиқаришда носоз монометрларда ишлаш тақиқланади.

60. Дезинфекцияловчи дори воситаларини ишлатишдан олдин уларнинг ҳужжатлари, қайд қилиш гувоҳномаси ва мувофиқлик сертификатлари мавжудлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш шарт.

61. Захарли ва кучли таъсир этувчи препаратлар махсус ажратилган биналар ва хоналарда сақланиши, эшик ва деразалар темир панжара билан қопланган бўлиши керак.

62. Захарли ва кучли таъсир этувчи препаратлар сейф ёки темир шкафларда сақланади.

63. Захарли ва кучли таъсир этувчи препаратларнинг ҳисоб-китоби махсус журналларда қайд қилиб борилади.

64. Захарли ва кучли таъсир этувчи моддалар билан ишлашга ветеринария ёки фармацевтика соҳасида олий, ўрта-махсус маълумотга эга бўлган шахсларга рухсат этилади.

65. Ҳайвонларни даволаш ишлари ўтказиладиган хоналар асбоб-ускуналар ва препаратлар сақланадиган шкафлар билан таъминланган бўлиши керак.

#### **IV. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик**

66. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ҳамда мазкур Қоидаларга риоя қилмаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

#### **V. Яқуний қоида**

67. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув  
хўжалиги вазири*

*С. ИСМОИЛОВ*

*Тошкент ш.,  
2009 йил 5 февраль*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*Ф. НАЗИРОВ*

*Тошкент ш.,  
2009 йил 5 февраль*

*Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси*

*Д. ЖАҲОНГИРОВА*

*Тошкент ш.,  
2009 йил 5 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР  
ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**137** **Авиация ишларига мансуб хизматлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1924*

*(2009 йил 28 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 6-сон, 247-модда)нинг 94-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Авиация ишларига мансуб хизматлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Парвозлар хавфсизлигини  
назорат қилиш давлат  
инспекцияси бошлиғи**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 12 февраль,  
13-сон

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг  
2009 йил 12 февралдаги 13-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Авиация ишларига мансуб хизматлар  
РЎЙХАТИ**

| Т/р | Хизматлар гуруҳининг номи  | Ушбу гуруҳга кирадиган авиация ишлари турларининг рўйхати   |
|-----|--|---|
| 1   | 2  | 3   |
| 1.  | Моддаларни ва биологик объектларни сепиш   | — қишлоқ хўжалик майдонларига ва қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш;<br>— инсон ва ҳайвонларнинг паразитлари ва касаллик тарқатувчилари билан курашиш;<br>— ерларни рекультивация қилиш ва чанг ер юзаларини қотириш;<br>— тупроқни ва ёпиқ сув ҳавзаларини зарарсизлантириш;<br>— нефть кўлоблари билан курашиш;<br>— ўрмон ва яйловлар ёнғини билан курашиш;<br>— турар жой ва саноат объектларида ёнғинни ўчириш;<br>— қор ва муз эришини тартибга солиш;<br>ёнғинлар чақириш ишлари. |
| 2.  | Ҳаводан суратга олиш, кузатиш ва патруллик қилиш                                       | — қидирув-суратга олиш ишлари;<br>— аэросуратга олиш парвозлари;<br>— аэровизуал парвозлар;<br>— аэрофотосуратга олиш ишлари.   |
| 3.  | Қурилиш-монтаж ишлари  | — баландликда қурилиш-монтаж ва юклаш-тушириш ишларини таъминлаш ишлари.  |
| 4.  | Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва санитария тадбирларини амалга оширишга доир парвозлар |   |
| 5.  | Бориш қийин бўлган жойларга одамлар ва юкларни етказиш                                 | — турли экспедициялар, илмий ва хўжалик ташкилотларига алоқа қилиш, буюртмачининг йўловчилари, юк ва жиҳозларини ташиш бўйича хизмат кўрсатиш;<br>— бориш қийин бўлган жойларга одамлар ва юкларни етказиш.   |
| 6.  | Парашютчилар десантини ташиш   |   |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ  
МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**138** Пахта тозалаш ва каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1925*

*(2009 йил 28 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Мехнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Пахта тозалаш ва каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.

**Мехнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 2 март,  
10/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазирининг  
2009 йил 2 мартдаги 10/Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Пахта тозалаш ва кано-п-ж-ут ишлаб чиқариш корхоналари  
ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка  
тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг  
НАМУНАВИЙ МЕЪЁРЛАРИ**

| Т/р   | Касб ва лавозим номлари                            | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|--|--|----------------------------------|
| <b>I. Пахта тозалаш ишлаб чиқариш корхоналарида</b> |  |  |                                  |
| 1.  | Пахта хом ашёсини жойловчи                         | Ип газлама костюм  | 12                               |
|   |  | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 2.  | Пахта хом ашёсини узатувчи                         | Ип газлама костюм  | 12                               |
|   |  | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|   |  | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
|   |  | <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                          |                                  |
|   | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка            | 24   |                                  |
| 3.  | Пахта хом ашёсини қуритиш оператори                | Ип газлама костюм  | 12                               |
|   |  | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|   |  | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 4.  | Пахта хом ашёсини тозалаш оператори                | Ип газлама костюм  | 12                               |
|   |  | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|   |  | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 5.  | Пахта хом ашёсини жинлаш оператори                 | Ип газлама костюм  | 12                               |
|   |  | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|   |  | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 6.  | Пахта чигитини линтерлаш оператори                 | Ип газлама костюм  | 12                               |
|   |  | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|   |  | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 7.  | Пахта маҳсулотларини пресслаш оператори            | Ип газлама костюм  | 12                               |
|   |  | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|   |  | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 8.  | Пахта маҳсулотлари тойларини тикувчи               | Ип газлама халат   | 12                               |
| 9.  | Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш жараёни оператори | Ип газлама костюм  | 12                               |
|   |  | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 10.   | Чигит дорилловчи                                   | Ип газлама костюм  | 12                               |
|   |  | Ип газлама шлем  | 12                               |
|   |  | Резина фартук  | 12                               |
|   |  | Резина этик  | 12                               |

| Т/р  | Касб ва лавозим номлари                         | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари    | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|--|---|---|----------------------------------|
|  |   | Мовут пайтава   | 3                                |
|  |   | Резина қўлқоп   | 3                                |
|  |   | Противогаз  | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 11.  | Чиқинди йиғувчи                                 | Ип газлама костюм   | 12                               |
|  |   | Комбинацияланган қўлқоп   | 3                                |
|  |   | Респиратор  | Яроқсиз бўлгунча                 |
|  |   | Ҳимояловчи кўзойнак   | Яроқсиз бўлгунча                 |
|  |   | <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                             |                                  |
|  |   | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртқа   | Навбатчи                         |
| 12.  | Транспортёрчи                                   | Ип газлама костюм   | 12                               |
|  |   | Комбинацияланган қўлқоп   | 3                                |
| 13.  | Ишлаб чиқариш чиқиндиларини тозаловчи           | Ип газлама костюм   | 12                               |
|  |   | Комбинацияланган қўлқоп   | 3                                |
|  |   | Ҳимояловчи кўзойнак   | Яроқсиз бўлгунча                 |
|  |   | Респиратор  | Яроқсиз бўлгунча                 |
|  |   | <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                             |                                  |
|  |   | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртқа   | Навбатчи                         |
| <b>II. Каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналарида</b> |   |   |                                  |
| <b>1. Хом ашё цехида</b>                         |   |   |                                  |
| 14.  | Поя ва чиқиндиларни гарамлаш бригадаси ишчилари | Ип газлама халат  | 12                               |
|  |   | Енг ниқоблари   | 6                                |
|  |   | Қирза этик  | 12                               |
|  |   | Мовут пайтава   | 3                                |
|  |   | Комбинацияланган қўлқоп   | 3                                |
|  |   | <b>Қишда ташқарида ва иситилмайдиган биноларда бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b> |                                  |
|  |   | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртқа   | Навбатчи                         |
|  |   | Қирза этик  | Навбатчи                         |
| 15.  | Пояларни қўлда ажратиш бригадаси ишчилари       | Ип газлама халат  | 12                               |
|  |   | Енг ниқоблари   | 6                                |
|  |   | Комбинацияланган қўлқоп   | 3                                |
|  |   | <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                             |                                  |
|  |   | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртқа   | Навбатчи                         |
|  |   | Қирза этик  | Навбатчи                         |
| 16.  | Хом ашё ўзагини ва поясини қирқувчи ишчилар     | Ип газлама кўкракпешли фартук   | 6                                |
|  |   | Комбинацияланган қўлқоп   | 3                                |
|  |   | Енг ниқоблари   | 3                                |
| 17.  | Уруғдонли каноп-жут пояларини машинада янчиш    | Ип газлама комбинезон   | 12                               |
|  |   | Енг ниқоблари   | 6                                |

| Т/р                      | Касб ва лавозим номлари                                 | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|--------------------------|---|--|----------------------------------|
|                          | бригадаси ишчилари                                      | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|                          |   | <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                          |                                  |
|                          |   | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка  | Навбатчи                         |
|                          |   | Кирза этик   | Навбатчи                         |
| 18.                      | Пояларни машинада ажратиш бригадаси ишчилари            | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|                          |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
|                          |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|                          |   | <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                          |                                  |
|                          |   | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка  | Навбатчи                         |
|                          |   | Кирза этик   | Навбатчи                         |
| 19.                      | Пояларни пресслаш қурилмасига хизмат кўрсатувчи ишчилар | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|                          |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
|                          |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|                          |   | <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                          |                                  |
|                          |   | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка  | Навбатчи                         |
|                          |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|                          |   | Кирза этик   | Навбатчи                         |
| <b>2. Ивитиш цехида</b>  |   |  |                                  |
| 20.                      | Ивитиш жараёни билан боғлиқ ишларни бажарувчи ишчилар   | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|                          |   | Резина этик  | 6                                |
|                          |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|                          |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|                          |   | Кўкракпешли фаргук   | 6                                |
|                          |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
| <b>3. Қуритиш цехида</b> |   |  |                                  |
| 21.                      | Қуритиш майдонларида ҳўл толаларни қуритувчилар         | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|                          |   | Кўкракпешли фаргук   | 6                                |
|                          |   | Резина этик  | 6                                |
|                          |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|                          |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
|                          |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
| 22.                      | Титиш цехи чиқиндиларини қуритувчилар                   | Ип газлама халат   | 12                               |
|                          |   | Чарм пойабзал  | 12                               |
|                          |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
| 23.                      | Махсус қуритиш қурилмаси ишчилари                       | Ип газлама халат   | 12                               |
|                          |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
|                          |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|                          |   | Кўкракпешли фаргук   | 6                                |
|                          |   | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|                          |   | Резина этик  | 6                                |
|                          |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|                          |   | Енг ниқоблари  | 6                                |

| Т/р                         | Касб ва лавозим номлари   | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|-----------------------------|---|--|----------------------------------|
| <b>4. Эзиш-титиш цехида</b> |   |  |                                  |
| 24.                         | Поядан каноп ажратувчи агрегатларда ишловчи ишчилар                     | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|                             |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
|                             |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|                             |   | Қўкракпешли резина фартук  | 6                                |
|                             |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|                             |   | Резина этик  | 6                                |
| 25.                         | Хўл хом ашёни титиш машиналарида ишловчи ишчилар                        | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|                             |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
|                             |   | Қўкракпешли резина фартук  | 6                                |
|                             |   | Резина этик  | 6                                |
|                             |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|                             |   | Ип газлама қалпоқча (аёллар учун рўмол)  | 12                               |
| 26.                         | Хўл хом ашёни титиш машиналарида ишловчи ишчилар                        | Ип газлама комбинезон  | 9                                |
|                             |   | Енг ниқоблари  | 4                                |
|                             |   | Қўкракпешли резина фартук  | 4                                |
|                             |   | Резина этик  | 6                                |
|                             |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|                             |   | Ип газлама қалпоқча (аёллар учун рўмол)  | 12                               |
| 27.                         | Толани яхшилаш учун ишлатиладиган қайнатиш машиналарида ишловчи ишчилар | Ип газлама комбинезон  | 9                                |
|                             |   | Енг ниқоблари  | 4                                |
|                             |   | Қўкракпешли резина фартук  | 4                                |
|                             |   | Резина этик  | 6                                |
|                             |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|                             |   | Ип газлама қалпоқча (аёллар учун рўмол)  | 12                               |
|                             |   | Резина қўлқоп  | 3                                |
| 28.                         | Толани ювиш машинасида ишловчи ишчилар                                  | Ип газлама комбинезон  | 9                                |
|                             |   | Енг ниқоблари  | 4                                |
|                             |   | Қўкракпешли резина фартук  | 4                                |
|                             |   | Резина этик  | 6                                |
|                             |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|                             |   | Ип газлама қалпоқча (аёллар учун рўмол)  | 12                               |
|                             |   | Резина қўлқоп  | 3                                |
| 29.                         | Толадаги сувни сиқиб чиқарувчи прессда ишловчи ишчилар                  | Ип газлама халат   | 12                               |
|                             |   | Қўкракпешли резина фартук  | 6                                |
|                             |   | Резина этик  | 6                                |
|                             |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|                             |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
| 30.                         | Узун толани эзувчи машиналарда ишловчи ишчилар                          | Ип газлама халат   | 12                               |
|                             |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
| 31.                         | Титиш машиналарида хўл чиқиндиларга ишлов бериш ишчилари                | Ип газлама халат   | 12                               |
|                             |   | Қўкракпешли резина фартук  | 6                                |
|                             |   | Резина этик  | 6                                |
|                             |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|                             |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
|                             |   | Резина қўлқоп  | 6                                |

| Т/р   | Касб ва лавозим номлари   | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|--|----------------------------------|
| 32.   | Эзувчи-титувчи ва тебратувчи машиналарида ишловчи ишчилар       | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|   |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
| 33.   | Буг ёрдамида хом ашёга ишлов бериш ускуналарида ишловчи ишчилар | Ип газлама халат   | 12                               |
|   |   | Кўкракпешли резина фартук  | 6                                |
|   |   | Чарм пойабзал  | 12                               |
|   |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|   |   | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
| 34.   | Титилган тола тайёрловчи машина ва агрегатларда ишловчи ишчилар | Ип газлама халат   | 12                               |
|   |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
| 35.   | Иссиқлик машиналарига хизмат кўрсатиш бўйича ишчилар            | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|   |   | Чарм пойабзал  | 12                               |
|   |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
| <b>5. Тайёр маҳсулот цехида</b>                               |   |  |                                  |
| 36.   | Тола сараловчилар   | Ип газлама халат   | 12                               |
| 37.   | Тола пресслловчилар   | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|   |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
| <b>6. Асосий ишлаб чиқаришдаги бошқа ишчилар учун</b>         |   |  |                                  |
| 38.   | Қуруқ юкларни ташувчилар  | Ип газлама фартук  | 6                                |
|   |   | Чарм пойабзал  | 12                               |
|   |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
|   |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|   |   | <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                          |                                  |
| Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка                       |   | Навбатчи   |                                  |
| 39.   | Хўл юкларни ташувчилар  | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|   |   | Резина фартук  | 6                                |
|   |   | Резина этик  | 6                                |
|   |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|   |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
|   |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|   |   | <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                          |                                  |
| Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка                       |   | Навбатчи   |                                  |
| 40.   | Канопо ўзагига ишлов берувчи ишчилар                            | Кўкракпешли ип газлама фартук  | 6                                |
|   |   | Резина этик  | 6                                |
|   |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|   |   | Енг ниқоблари  | 6                                |
|   |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
| <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b> |   |  |                                  |
| Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка                       |   | Навбатчи   |                                  |
| 41.   | Мироблар  | Резина этик  | 12                               |
|   |   | Мовут пайтава  | 3                                |
|   |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
| 42.   | Хом ашё маҳсулотларининг ўлчовчи                                | Кўкракпешли ип газлама фартук  | 6                                |
|   |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |

| Т/р   | Касб ва лавозим номлари  | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|--|--|----------------------------------|
|   |  | Кирза этик   | Навбатчи                         |
|   |  | Мовут пайтава  | 3                                |
|   |  | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка  | Навбатчи                         |
| <b>III. Умумий бўлган ишчи ва хизматчилар</b> |  |  |                                  |
| 43.   | Технолог-муҳандислар;<br>Лаборантлар;<br>Бригадирлар                       | Ип газлама халат   | 12                               |
|   |  | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка  | 36                               |
| 44.   | Бош муҳандис;<br>бош технолог;<br>Цех ва лаборатория бошлиқ-лари           | Ип газлама халат   | 12                               |
|   |  | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка  | 36                               |
| 45.   | Бош механик;<br>Бош энергетик;<br>Хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис     | Ип газлама халат   | 12                               |
|   |  | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка  | 36                               |
| 46.   | Аккумуляторчи  | Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган костюм   | 12                               |
|   |  | Резина ярим этик   | 12                               |
|   |  | Мовут пайтава  | 3                                |
|   |  | Резина қўлқоп  | Навбатчи                         |
|   |  | Резина фартук  | Навбатчи                         |
|   |  | Ҳимояловчи кўзойнак  | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 47.   | Архив ишчиси   | Ип газлама халат   | 12                               |
| 48.   | Ишлаб чиқариш цехларидаги технологик ускуналарни созловчи                  | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
|   |  | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
| 49.   | Лаборатория идишларини юувчи   | Лавсан халат   | 12                               |
|   |  | Резина кўкракпешли фартук  | 6                                |
|   |  | Резина этик  | 12                               |
|   |  | Мовут пайтава  | 3                                |
|   |  | Резина қўлқоп  | 2                                |
|   |  | Ҳимояловчи кўзойнак  | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 50.   | Трансформаторларга мой қуювчи  | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|   |  | Чарм пойабзал  | 12                               |
|   |  | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
| 51.   | Автомобилларни таъмирловчи чилангар  | Ип газлама костюм  | 12                               |
| 52.   | Саноат вентиляцияси ва иситиш (намлаш) тизимида хизмат кўрсатувчи чилангар | Ип газлама костюм  | 12                               |
|   |  | Комбинацияланган қўлқоп  | 2                                |
|   |  | <b>Иссиқ ҳароратли жойларда ишловчилар учун қўшимча равишда:</b>                       |                                  |
|   |  | Чарм пойабзал  | 12                               |
|   |  | <b>Нам жойларда ишловчилар учун қўшимча равишда:</b>                                   |                                  |
|   |  | Резина этик  | 12                               |
|   |  | Мовут пайтава  | 3                                |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари                                    | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|-----|--|--|----------------------------------|
|     |  | <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                          |                                  |
|     |  | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка  | Навбатчи                         |
| 53. | Асбоб-ускуналарни таъмирловчи чилангар                     | Ип газлама костюм  | 12                               |
|     |  | Комбинацияланган қўлқоп  | 2                                |
|     |  | <b>Иссиқ ҳароратли жойларда ишловчилар учун қўшимча равишда:</b>                       |                                  |
|     |  | Чарм пойабзал  | 12                               |
|     |  | <b>Нам жойларда ишловчилар учун қўшимча равишда:</b>                                   |                                  |
|     |  | Резина этик  | 12                               |
|     |  | Мовут пайтава  | 3                                |
|     |  | <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                          |                                  |
|     |  | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка  | Навбатчи                         |
| 54. | Чилангар-сантехник   | Ип газлама костюм  | 12                               |
|     |  | Комбинацияланган қўлқоп  | 2                                |
|     |  | <b>Оқова тармоғида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                          |                                  |
|     |  | Шлангали противогаз  | Навбатчи                         |
|     |  | Брезент костюм   | 18                               |
|     |  | Резина этик  | 12                               |
|     |  | Мовут пайтава  | 3                                |
|     |  | Резина қўлқоп  | Навбатчи                         |
|     |  | <b>Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:</b>                          |                                  |
|     |  | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка  | Навбатчи                         |
| 55. | Мойлаш ишларини бажариш ишчиси                             | Ип газлама костюм  | 12                               |
|     |  | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
| 56. | Дурадгор   | Ип газлама костюм  | 12                               |
|     |  | Ип газлама фартук  | 6                                |
|     |  | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
| 57. | Ташқи қоровул  | Ип газлама костюм  | 12                               |
|     |  | Сув ўтказмайдиган плаш   | Навбатчи                         |
|     |  | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка  | Навбатчи                         |
|     |  | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим   | Навбатчи                         |
| 58. | Ишлаб чиқариш хоналари фарроши                             | Ип газлама халат   | 12                               |
|     |  | Резина этик  | 12                               |
|     |  | Мовут пайтава  | 3                                |
|     |  | Резина қўлқоп  | 6                                |
| 59. | Электр асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатувчи электро-монтёр | Ип газлама ярим комбинезон   | 12                               |
|     |  | Диэлектрик қўлқоп  | Навбатчи                         |
|     |  | Диэлектрик калиш   | Навбатчи                         |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари                   | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|-----|-------------------------|--|----------------------------------|
|     |                         | Иссиқ ҳароратли жойларда ишловчилар учун қўшимча равишда:  |                                  |
|     |                         | Ўтдан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама ёки брезент комбинезон (ип газлама ярим комбинезон ўрнига) | 12                               |

### Яқуний қоида

Мазкур Намунавий меъёрлар «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

**«Ўзпахтасаноат»  
уюшмаси раиси**

**Ф. ОМОНОВ**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 27 февраль*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси**

**Д. ЖАҲОНГИРОВА**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 27 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**139** Нашриёт, матбаа ва китоб савдоси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1926*

*(2009 йил 28 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Мехнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Нашриёт, матбаа ва китоб савдоси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.

**Мехнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 2 март,  
9/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазирининг  
2009 йил 2 мартдаги 9/Б-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Нашриёт, матбаа ва китоб савдоси ходимлари учун  
махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда  
ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг  
НАМУНАВИЙ МЕЪЁРЛАРИ**

| Т/р | Касб ва лавозим номлари                                       | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|-----|---|--|----------------------------------|
| 1.  | Иқлимлаштиришга мослаштирувчи ходим                           | Ип газлама кўкракпешли фартук  | 12                               |
| 2.  | Зарқоғоз тайёрлашда металл кукун юборувчи кичик ускуна ишчиси | Ип газлама халат   | 12                               |
|     |   | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 3.  | Бронзаловчи   | Ип газлама халат   | 12                               |
|     |   | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 4.  | Брошюраловчи  | Ип газлама кўкракпешли фартук  | 6                                |
|     |   | Резина фартук  | 12                               |
| 5.  | Босма қолипни вулканизацияловчи                               | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|     |   | Ип газлама енг ниқоблари   | 6                                |
|     |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 3                                |
| 6.  | Гальванотипчи   | Кислотадан ҳимоя қилувчи модда шимдирилган ип газлама халат                            | 12                               |
|     |   | Резина фартук  | 12                               |
|     |   | Резина этик  | 12                               |
|     |   | Резина қўлқоп  | 4                                |
|     |   | Ҳимояловчи кўзойнак  | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 7.  | Босма қолип гравери;<br>Шрифтлар гравери                      | Ип газлама халат   | 12                               |
|     |   | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 8.  | Чархловчи   | Ип газлама комбинезон  | 12                               |
|     |   | Резина кўкракпешли фартук  | 12                               |
|     |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 2                                |
|     |   | Ҳимояловчи кўзойнак  | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 9.  | Картонажчи  | Ип газлама кўкракпешли фартук  | 12                               |
|     |   | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 10. | Рангларни уйғунлаштирадиган бўёқчи                            | Ип газлама халат   | 12                               |
|     |   | Резина фартук  | Навбатчи                         |
|     |   | Комбинацияланган қўлқоп  | 6                                |
|     |   | Респиратор   | Яроқсиз бўлгунча                 |
| 11. | Қолипларни бутловчи;<br>Шрифтли маҳсулотларни бутловчи        | Ип газлама халат   | 12                               |
| 12. | Конвертчи   | Ип газлама кўкракпешли фартук  | 12                               |
| 13. | Яримфабрикат ва тайёр   | Ип газлама фартук  | 12                               |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари   | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
